

XI. ДЕМОГРАФИЯ ВА МЕХНАТ БОЗОРИ

Дастлабки маълумотларга кўра, 2018 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоятда доимий аҳоли сони 2861,3 минг кишини ташкил қилди ва йил бошидан 32019 кишига ёки 1,1% кўпайди. Шундан, 1412,3 минг киши – шаҳар жойларида (жами аҳоли сонининг 49,4%) ва 1449,0 минг киши – қишлоқ жойларида (50,6 %) истиқомат қилади.

Тошкент вилоятининг ҳудудлари бўйича доимий аҳоли сони

(2018 йилнинг 1 январь ҳолатига)

	Доимий аҳоли сони, минг киши			Доимий аҳоли сонининг ўсиш суръати, фоизда		
	жами	шу жумладан:		жами	шу жумладан:	
		шаҳар	қишлоқ		шаҳар	қишлоқ
Вилоят бўйича	2861,3	1412,3	1449,0	101,1	102,3	100,0
<i>шаҳарлар:</i>						
Олмалиқ	127,5	127,5	х	101,2	101,2	х
Ангрен	183,6	183,6	х	100,2	100,2	х
Бекобод	93,0	93,0	х	101,2	101,2	х
Чирчиқ	154,6	154,6	х	100,5	100,5	х
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	102,0	24,3	77,7	101,3	101,3	101,3
Оҳангарон	129,5	49,6	79,9	101,1	101,0	101,1
Бекобод	152,5	28,5	124,0	101,2	100,7	101,3
Бўстонлик	165,6	93,3	72,3	100,7	100,9	100,6
Бўка	121,6	23,0	98,6	101,2	100,9	101,2
Зангиота	368,5	164,5	204,0	100,8	101,2	100,5
Қибрай	195,1	86,3	108,8	101,2	100,6	101,7
Қуйичирчиқ	104,8	25,0	79,8	100,9	100,4	101,0
Паркент	149,4	72,3	77,1	101,5	101,1	101,8
Пискент	97,9	44,7	53,2	100,9	100,9	100,9
Ўртачирчиқ	192,1	69,0	123,1	102,6	141,7	88,8
Чиноз	129,6	63,0	66,6	101,3	101,3	101,4
Юқоричирчиқ	131,2	22,9	108,3	101,6	101,3	101,7
Янгийўл	262,8	87,2	175,6	101,3	100,5	101,7

2016-2017 йил январь-декабрда аҳолининг табиий ҳаракати


	киши			ҳар 1000 кишига	
	2016 й.	2017 й. ¹⁾	ўсиш, камайиш	2016 й.	2017 й. ¹⁾
Туғилганлар	57190	54741	-2449	20,3	19,2
Ўлганлар	16281	16490	209	5,8	5,8
Табиий ўсиш	40909	38251	-2658	14,5	13,4
Никоҳлар	21458	23721	2263	7,6	8,3
Ажралишлар	3326	3620	294	1,2	1,3

2017 йилнинг январь-декабрда туғилганлар сони 54741 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (57190 киши) нисбатан 2449 тага камайди. Туғилиш коэффициенти мос равишда 19,2 промиллени ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (20,3 промилле) нисбатан 1,1 промиллега камайди.

Туғилиш даражасининг камайиши вилоятнинг Олмалик шаҳрида (20,4 дан 19,2 промиллега), Бўстонлик (19,6 дан 16,9 промиллега), Бўка (22,7 дан 20,4 промиллега), Юқоричирчиқ (21,9 дан 19,7 промиллега), Қуйичирчиқ (22,4 дан 20,5 промиллега) туманларида кузатилди.

Аҳолининг табиий ҳаракати коэффициенти

2017 йилнинг январь–декабрь ҳолатига (1000 аҳолига нисбатан, промилле)



¹⁾ дастлабки маълумот

Ўлим даражаси. 2017 йилнинг январь-декабрда ўлганлар сони 16490 кишини ташкил қилди ва 2016 йилнинг шу даврига (16281 киши) нисбатан 209 тага кўпайди. Мос равишда ўлим коэффициенти 5,8 промиллени ташкил қилди (2016 йил январь-декабрида – 5,8 промилле).

Ўлганлар сонининг кўпайиши Чирчиқ шаҳрида (7,3 дан 7,7 промиллега), Пискент (4,9 дан 5,4 промиллега), Паркент (4,6 дан 5,0 промиллега), Юқоричирчиқ (6,0 дан 6,5 промиллега) туманларида кузатилди.

Ўлганлар умумий сонидан 59,6 фоизи қон айланиш тизими касалликларидан, 10,2 фоизи – ўсма касалликларидан, 8,9 фоизи – бахтсиз ҳодиса, заҳарланиш ва жароҳатлардан, 5,3 фоизи – овқат ҳазм қилиш органлари касалликларидан, 4,2 фоизи – нафас олиш органлари касалликларидан, 2,9 фоизи – инфекцион ва паразитар касалликларидан, 8,9 фоизи – бошқа касаликлардан вафот этган.

Ўлганлар умумий сонининг таркибий тузилиши (2017 йилнинг январь-декабрь ҳолатига)



Никоҳлар ва ажралишлар. 2017 йилнинг январь-декабрда ФХДЁ органларида 23721 та никоҳлар ва 3620 та ажралишлар рўйхатга олинди. Минг аҳолига нисбатан 8,3 та никоҳ (2016 йилнинг тегишли даврида – 7,6 та) ва 1,3 та ажралишлар (2016 йилнинг тегишли даврида – 1,2 та) тўғри келади.

2017 йил январь–декабрда тузилган никоҳлар ва никоҳдан ажралишлар сони

(бирликда)

	<i>Тузилган никоҳлар</i>		<i>Никоҳдан ажралишлар</i>	
	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>
Вилоят бўйича:	21458	23721	3326	3620
<i>шаҳарлар:</i>				
Олмалиқ	1176	1182	264	265
Ангрен	1371	1414	260	267
Бекобод	780	817	171	164
Чирчиқ	953	933	245	289
<i>туманлар:</i>				
Оққўрғон	888	1012	113	149
Оҳангарон	947	984	149	146
Бекобод	1312	1385	126	167
Бўстонлик	1171	1273	184	150
Бўка	1001	1164	77	127
Зангиота	2509	2793	351	349
Қибрай	1345	1403	275	261
Қуйичирчиқ	866	853	110	152
Паркент	1039	1591	125	134
Пискент	748	799	77	84
Ўртачирчиқ	1443	1644	224	292
Чиноз	1081	1116	106	126
Юқоричирчиқ	901	1142	185	199
Янгийўл	1927	2216	284	299

Миграция. Дастлабки маълумотларга кўра, 2017 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят бўйича кўчиб келганлар сони 18755 кишини, шу давр мобайнида кўчиб кетганлар сони эса 24987 кишини ташкил қилди. Миграция қолдиғи минус 6232 кишига (2016 йилнинг шу даврида - минус 5736 киши) тенг бўлди.

Энг катта минус қолдиқлар Зангиота (минус 2155), Бўстонлик (минус 753), Бекобод (минус 629) туманларида кузатилди.

2017 йил январь–декабрда аҳолининг миграция кўрсаткичлари

(1000 аҳолига нисбатан, промилле)

	<i>Келганлар</i>		<i>Кетганлар</i>		<i>Миграция сальдоси</i>	
	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>	<i>2016й.</i>	<i>2017й.</i>
Вилоят бўйича:	7,0	6,6	9,0	8,8	-2,0	-2,2
<i>шаҳарлар:</i>						
Олмалиқ	14,1	11,0	13,5	11,2	0,6	-0,2
Ангрен	7,2	6,1	5,9	5,3	1,3	0,8
Бекобод	7,0	8,8	9,5	8,0	-2,5	0,8
Чирчиқ	20,3	15,2	14,6	16,0	5,7	-0,8
<i>туманлар:</i>						
Оққўрғон	2,7	2,9	7,7	6,7	-5,0	-3,8
Оҳангарон	5,2	5,7	10,8	8,9	-5,6	-3,2
Бекобод	3,7	3,1	5,8	7,2	-2,1	-4,1
Бўстонлик	3,6	4,4	10,1	8,9	-6,5	-4,5
Бўка	2,3	3,8	6,8	7,6	-4,5	-3,8
Зангиота	7,0	6,1	10,6	12,0	-3,6	-5,9
Қибрай	11,8	12,1	12,8	12,4	-1,0	-0,3
Қуйичирчиқ	5,3	4,9	10,2	10,1	-4,9	-5,2
Паркент	0,9	1,7	3,7	3,7	-2,8	-2,0
Пискент	4,9	4,9	10,0	8,3	-5,1	-3,4
Ўртачирчиқ	7,3	8,1	7,6	7,7	-0,3	0,4
Чиноз	3,9	3,5	6,7	6,8	-2,8	-3,3
Юқоричирчиқ	11,3	11,4	9,6	8,7	1,7	2,7
Янгийўл	4,7	4,2	6,6	5,3	-1,9	-1,1

Меҳнат ресурсларининг сони дастлабки маълумотларга кўра, 2016 йил январь-декабрга нисбатан 100,4% кўпайиб, 1624,1 минг кишини ёки вилоят доимий аҳолисининг 56,8% ташкил қилди.

2017 йил январь-декабрда аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига ишга жойлаштиришда ёрдам беришни сўраб, 22944 нафар фуқаро мурожаат қилди. Иш қидириб мурожаат этганлар Чирчиқ (1241 кишига), Бекобод (2084 кишига), Ангрен (2060 кишига) шаҳарларида, Янгийўл (1782 кишига), Зангиота (2078 кишига), Ўртачирчиқ (1253 кишига) ва Бўстонлик (1462 кишига), Паркент (1786 кишига) ва Юқоричирчиқ (1059 кишига) туманларида кўп.

Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига мурожаат қилган фуқаролардан 20229 нафари ишга жойлаштирилди. Айниқса, ушбу кўрсаткич, Чирчиқ (1227 киши), Ангрен (1442 киши) шаҳарларида, Зангиота (2013 киши), Янгийўл (1771 киши), Паркент (1281 киши), Ўртачирчиқ (1200 киши) ва Бўстонлик (1235 киши) ва туманларида юқори даражада бўлди.

Ўтган давр мобайнида аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларида рўйхатга олинган фуқаролардан 291 нафари ишсизлик мақомини олган.